ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР МАРКАЗИ КУТУБХОНАСИ

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2006 ЙИЛ, 19 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 75 (10.632) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●А.Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида вилоятлардан келган мактаб директорлари қатнашди.

●Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳаётий муҳим бўлган ҳужжатнинг ижросини тўла таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаролар йиғини, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга етказиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

●Хоразм вилояти ҳокимлигида ўтказилган «Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари» мавзусига бағишланган семинарда Республиканинг тегишли идоралари раҳбарлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг маслаҳатчилари, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, шаҳар ва туманлар комиссиялари раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

●Кеча Миллий матбуот марказида Тошкент Давлат юридик институтининг учинчи босқич талабаси Отабек Мирзаев қаламига мансуб «Интерпол» номли китобнинг тақдимот маросими ўтказилди.

●Сирдарё туманида яна бир замонавий таълим маскани — 600 ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. «Бизнесстрой» хусусий қурилиш корхонаси бунёдкорлари томонидан қурилиши муддатидан илгари якунланган коллежнинг дарс хоналари сўнгги русумдаги ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан компьютер ва тўртта лингафон хонаси ташкил этилди.

● «Умид ниҳоллари—2006» спорт мусобақалари Республика босқичига тайёргарлик кўриш Тошкент вилояти ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда спорт ўйинлари машъаласини аланга олдириш тантаналари ва уни вилоят ҳудудидан олиб ўтиш давомида амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

●Бекобод туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабида «Мактаб — кутубхона— оила— жамоат ташкилотлари» номли хайрия тадбирининг Республика семинари бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор ўқувчиларнинг китобга бўлган меҳрини янада ошириш ва умумтаълим мактаб кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан таъминлашга қаратилди.

● Кеча Тошкент вилоят прокуратураси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган «Юртим жамолидан кўзим қувнайди» мавзуидаги тадбир пойтахтнинг Мустақиллик майдони билан танишувдан бошланди. Унда вилоятдаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган 250 дан зиёд ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Покистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо бўлиб киришга ҳаракат қилмоқда. Покистон стратегик тадқиқотлар институти директори Фазал ар-Раҳмоннинг РАТА-ТАСС мухбирига берган интервьюсида таъкидланишича, расмий Исломободнинг нияти ташкилот котибияти томонидан яқин кунларда кўриб чиқилиши мумкин.

●Исроилда террорчилик ҳаракати содир этилди. Тель-Авив шаҳридаги автовокзал биносида фаластинлик аёл белига боғланган портловчи қурилмани ишга солгач, 6 киши ҳаётдан кўз юмди, 52 киши жароҳатланди. Маълумотларга кўра, ушбу хунрезлик учун жавобгарликни «Ислом жиҳоди» ва «Ал-Ақсо» гуруҳлари ўз зиммаларига олган.

●Кучли чанг бўрони давомида 300 минг тоннага яқин чанг Хитой пойтахти устига тушди. Чангнинг қалин қатлами ҳамон ҳавонинг устини қоплаган — Пекинда теварак атроф унчалик яхши кўринмаяпти, аҳолига зарурат туғилмаса кўчага чиқмаслик ва уйларининг деразаларини зич ёпиш маслаҳат берилмоқда.

●Россиянинг Хабаровси ўлкасидаги Амур дарёси қирғоқлари атрофидаги қишлоқларда яшовчи аҳоли саломатлиги ҳолатини кенг кўламда текшириш натижалари шуни кўрсатдики, Амур дарёсининг суви рак ҳамда жигарнинг ишдан чиқиши хасталикларини келтириб чиқаради.

●Япония корпорациялари ўтган йили илк бор ўзларининг хориждаги корхоналарида 10 миллион донадан ортиқ автомобиллар ишлаб чиқардилар. Жорий йилда эса бу кўрсаткич ҳатто Японияда ишлаб чиқарилаётган автоуловларнинг сонидан ҳам ортиши кутилмоқда.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 18 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА БУЮК БРИТАНИЯ КОНСЕРВАТИВ ПАРТИЯСИ ВАКИЛИ ЛОРД РОБЕРТ СОЛСБЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу мамлакатимиздаги ўзгаришлар билан бевосита танишиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Буюк Британиянинг турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган таниқли сиёсатчи Р.Солсбери 10 апрелдан буён мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. У юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, бой маданий тарихимиз билан яқиндан танишди. Жумладан, лорд Солсбери Андижон, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги йирик саноат мажмуалари, қўшма корхоналар ва янги ташкил қилинган замонавий ишлаб чиқариш иншоотларини бориб кўрди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги осори-атиқа, маданий ёдгорликлар ва музейларни томоша қилди.

Британиялик сиёсатчи Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасида, қатор вазирликлар ва олий таълим муассасаларида бўлди.

Оқсаройда Президент Ислом Каримов ва лорд Роберт Солсбери ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ВА ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЕВРООСИЁ ГУРУҲИ РАИСИ ВИКТОР ЗУБКОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 18 АПРЕЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ЭРКИН ХАЛИЛОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

Мулоқот чоғида парламентимизнинг қуйи палатаси билан Евроосиё гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Хусусан, жиноий йўллар билан орттирилган маблағларни легаллаштириш ва терроризмни молиявий таъминлашга қарши кураш бўйича биргаликда зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар терроризмнинг глобал муаммо эканини ва уни бартараф этишда ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар лозимлигини қайд этдилар.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи Россия Федерациясининг Федерал молиявий мониторинг хизмати ташаббуси билан 2004 йил октябрда ташкил этилган. Ўтган йили декабрь ойида Ўзбекистон бу ташкилотга доимий аъзо бўлиб кирган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров билан музокарада меҳмонлар мамлакатимиз прокуратура органлари тизими, фаолияти ва соҳани ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йилда Бош прокуратура ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган эди.

Мазкур тузилма бугунги кунда юртимизда иқтисодий қонунбузарликларга барҳам беришда самарали фаолият кўрсатаётир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг миллий тизими ҳамда молия разведкасини шакллантириш масалалари Ўзбекистон сиёсатида муҳим ўрин тутади. Учрашувда жорий йил январда юртимизда «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши бу борадаги улкан қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Евроосиё гуруҳи вакиллари шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Мулажонов билан ҳам учрашди.

Суҳбатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг банк тизими орқали олдини олишга қаратилган чора- тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш масалалари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича банклар фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни Евроосиё гуруҳи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсиялари асосида такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳам музокара ўтказдилар.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Туманларда

БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ЁШЛАРИМИЗ УЧУН ТОМ МАЪНОДА ШОН-ШАРАФ ИШИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. БУ АЛБАТТА ДАВЛАТИМИЗ, ҚОЛАВЕРСА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, УЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАР, ЭЛУ ЮРТИ УЧУН МУНОСИБ ПОСБОН БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДАГИ КАТТА ҒАМХЎРЛИК, ЮКСАК ЭЪТИБОР НАТИЖАСИДИР.



АСКАР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги 2006 йил 3 мартдаги Қарори ижросини ташкиллаштиришда, Қуролли Кучларимизни ватанпарвар, мард, фидойи ёшлар билан тўлдиришда жойларда маҳаллий ҳокимликлар ва маҳаллаларда самарали ишлар олиб борилмоқда. Шу кунларда юртимизда армия сафига чақирилувчи ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва хизмат муддатини ёруғ юз билан ўтаб қайтаётганларни тантана билан кутиб олиш тадбирлари бўлиб ўтмоқда.



Куни кеча Яккасарой тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Юнус Ражабий номли маҳалла гузарида шу тумандан 2005 йил баҳор фаслида хизматга жўнаган бир гуруҳ аскар йигитлар карнай-сурнай садолари остида катта тантана билан кутиб олинди.

«Аскар — маҳалла меҳмони» деб номланган ушбу тадбирда иштирок этган ота-оналар, туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, Мудофаа вазирлиги, Чегара қўшинлари қўмондонлик таркиби вакиллари ажойиб учрашувнинг, унутилмас онларнинг гувоҳи бўлдилар. Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтган аскар йигитлар қўлларида чиройли гулдаста билан ота-оналари, ёру биродарлари ёнига кириб келгандаги, соғинган кўнгилдардаги ҳаяжон, шоду хуррамлик, фахр-ифтихор туйғуларини сўз билан ифодалаш қийин.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, туман ҳокими Валижон Муллажонов ва бошқалар барча ота-оналарни фарзандлари Ватан олдидаги муқаддас конституцион бурчларини шараф билан ўтаб қайтганлари билан қутлаб ўғлонларга бундан кейинги фаолиятларида омадлар тиладилар. Шунингдек, Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Манноғжон Аҳмедов муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда алоҳида муваффақиятларга эришган, ҳарбий интизомда намуна кўрсатган ҳарбий хизматчиларга қўмондонлик томонидан тақдим этилган олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномаларни топширди.

Чиройли байрам дастурхони атрофида фахру ифтихор билан фарзандига термулиб суҳбат қураётган ота-оналар ва аскар йигитларнинг дил сўзларига қулоқ тутдик.

— Уч нафар фарзандим бор, — дейди Ҳасан Файзуллаев. — Икки қиз, бир ўғил. Ўғлим Комилжон ёшликдан ҳарбий бўлишни орзу қиларди. Армияда ҳам тартиб-интизом, техникани эгаллашда ўзини кўрсатиб, Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Мана олий ўқув юртига кириш учун тавсиянома ҳам олди. Буларни кўриб ўзимиз хизмат қилган вақтларни эслаб ўтирибман. Қай аҳволда жўнардик, қаёққа кетаётганимизни ҳам билмасдик, кузатиш нима, кутиб олиш қаёқда, бундай кунлар тушимизга ҳам кирмаган. Мана шундай иззат-икромга фарзандларимиз юрт ўғлони бўлиб муносиб жавоб беришлари керак.

— Менинг ҳам ўғлим битта, Азимжон Аюпов, — дейдилар Муқаддас онахон. — Аввалари ота-оналар ўғилларини имкон борича армияга юбормасликка ҳаракат қилар эдилар. Битта ўғил бўлса айниқса. Ҳозир эса бутунлай акси. Ўғилларимиз ўзлари Ватан ҳимоячиси номига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу албатта давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароит ва эътиборнинг меваси, албатта.

— Ўз йигитлик бурчимизни ёруғ юз билан адо этиб келганимиздан фахрланамиз, — дейишди ўзларини Зиёдулло Одилов ва Ҳикматулла Қосимов деб таништирган, юзу кўзларидан шижоат ёғилиб турган ўғлонлар. — Йигит киши албатта хизматга бориши керак. Тартиб-интизомли, темир иродали бўлиш, ота-она, яқинларининг қадрига етиш, она-Ватанини асраш-авайлаш нима эканлигини —ҳаёт мактаби бўлган Армияда ўрганади. Мана тавсияннома ҳам олдик, насиб бўлса олий ўқув юртига ўқишга кириб, бизга билдирилган ишончни албатта оқлаймиз.

Тадбирда янграган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар барчани даврага чорлаб хуш кайфият улашди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Аскар—маҳалла меҳмони» тадбиридан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Фуқаролар йиғинларига сайлов

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

«ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ» МАВЗУИДАГИ МЎЪЖАЗ ҚЎЛЛАНМА НАШРДАН ЧИҚДИ.

У юридик фанлар доктори Мавжуда Ражабова ва Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Ихтиёр Беков томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига доир нормалари, шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган.

Қўлланма сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун жойларда тузилган комиссия ва ишчи гуруҳ аъзолари, сайлов масалалари билан қизиқувчи барча фуқаролар учун мўлжалланган.

ЎзА

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Шодлик» маҳалласида туман ФҲДЁ бўлими, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгилаб берилган вазифаларни бажариш масалаларига бағишланган тадбир уюштирилди.

●**БУГУН** Ҳамза авиасозлар касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлимлари ҳамкорликларида «Соғлом келажак— юрт қудрати» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида коллеж ўқувчилари, ўқитувчилари, «Камолот» фаоллари иштирок этишди.

●**БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 2-кутубхонасида туман ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида «Орзулар қанотида» мавзуида китобхонлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

●**БУГУН** Учтепа туманидаги 75-мактабда «Огоҳлик—давр талаби» мавзуида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбирда «Бешқайрағоч», «Шарқ гули», «Оқмасжид», «Жарбулоқ» маҳаллалари фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

●**БУГУН** Боровский номидаги тиббиёт коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати балоғат ёшидаги қизларни янги ҳаётга тайёрлаш масаласига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 20 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 27-29 даража иссиқ бўлади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА 2006 ЙИЛНИ "ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ" ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАР ЭКАН, ҲОМИЙЛИК БУ АВВАЛАМБОР САХОВАТЛИ БЎЛИШ, БЕҒАРАЗ ЁРДАМ БЕРИШ ЭКАНЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ:

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

"Ҳомийликни биз инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни, ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз», — деган эди. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида амалга оширилган талабалар турар жойларини капитал таъмирлаш, спорт иншоотларини қуриш-реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва ҳудудларни ободонлаштириш ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари учун маблағлар асосан ҳомийлик асосида жамғарилди. "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли талабалар турар жойларини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш қуйидаги ташкилот ва муассасалар — 218 ўринли 2-талабалар турар жойи «Ўзавтойўл" давлат компанияси, 204 ўринли 3-талабалар турар жойи "Ўзавтосаноат" уюшмаси, 204 ўринли 5-талабалар турар жойи "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, 224 ўринли 9- талабалар турар жойи "Ўзметкомбинат", 316 ўринли 12 -талабалар турар жойи Давлат геология қўмитаси, 304 -ўринли 14-талабалар турар жойи "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, 298 ўринли 18-талабалар турар жойи «Ўзкимёсаноат" компанияси, 32-поликлиника "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси, 150 ўринли талабалар профилактор-ийсини таъмирлаш Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги томонидан ҳомийлик асосида амалга оширилди. Талабалар турар жойлари фақат ташқи кўринишлари билан эмас, балки ички тузилиши ва жиҳозланиши билан ҳам тубдан ўзгарди.

Бу бунёдкорлик ишларининг кўламини тасаввур қилиш учун биргина 204 ўринли 4-сонли талабалар турар жойини олиб кўрайлик. Барча қулайликларга эга бўлган шинам хоналар, ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозланган маънавият ва маърифат хонаси, 4 та дам олиш хонаси, турли русумдаги тренажёрлар билан таъминланган спорт хонаси, 6 та телевизор, 9 та музлатгич, 17 та газ плитаси, 4 та кир ювиш машинаси, 330 та (1200 кв.м.) гилам поёндоз, 8 та дазмол, интернетга уланган 6 та компьютер, 1 та принтер ва керакли миқдордаги ошхона жиҳозлари талабалар хизматидадир. Талабаларнинг кундалик, маиший ҳаёти учун муҳайё бўлган жиҳозлар ўзларининг хилма-хиллиги жиҳатидан афзалликларга эгадир.

Талабалар шаҳарчаси марказида Ўзбекистон Миллий университети спорт саройи-павильони ва 5 минг кишилик стадион капитал таъмирланмоқда. Буларга қўшимча Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида янги 200 кишилик ўриндиқли трибунаси (томоша зали)га эга бўлган 1050 кв.м. дан иборат ёпиқ сузиш сув ҳавзаси қурилмоқда.

Яратилган бу қулайликлар талабаларимизнинг яхши ўқиши, дам олиши, ўз иқтидорини намоён этишига имконият яратмоқда. Эндиги асосий масала бу қулайликлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жиҳозларни кўз қорачиғидай сақлашдир.

Ҳомийлик фақат моддий мезонлар билан ўлчанмайди. Энг муҳими инсон қадр-қимматини улуғлаш, аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш, одамлар мушкулини осон қилишдан иборат. Касаба уюшмаларининг бутун ташкилотчилик фаолияти жамиятимизнинг гултожи ҳисобланган инсонга ҳар томонлама ғамхўрлик қилишга қаратилган. У иш ҳақи бўладими, кам таъминланган оилага кўмак бўладими, барча-барчаси касаба уюшмалари фаолиятига оид, унинг аралашувини тақозо этадиган жараён ҳисобланади.

Меҳнат жамоаларида ходимлар учун қулай иш шароитлари яратилишини назорат қилиш бевосита касаба уюшма ташкилотлари зиммасидаги вазифа бўлиб, маъмуриятдан Меҳнат қонунчилиги асосида иш юритишни талаб этиш, ходимларга етарли даражада қулайлик яратишга эришиш омма ўртасида касаба уюшмасининг обрўсини оширади, меҳнаткашларда унга нисбатан ишончни мустаҳкамлайди. Бу борада Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини жамоа келишувлари, шартномалари каби муҳим меъёрий ҳужжатлар орқали таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича 2005 йил жамоа келишувига кўра 38 миллион 650 минг сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган эди. Университет маъмурияти меҳнат муҳофазасини имкон даражасида бажаришга ҳаракат қилди. Зарарли шароитда меҳнат қилаётган ишчи ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш учун 2 миллион 100 минг сўм, тиббиёт аптечкалари ва доридармонлар олиш учун 397 минг 478 сўм ва уларга махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ҳамда ювиш дезинфекция қилиш воситалари билан таъминлаш учун 3 миллион 519 минг 750 сўм, ўқув корпусларни ёнғиндан сақлаш шитлари ва уни бутлаш учун заурий жиҳозлар тайёрлашга 449 минг 400 сўм, шунингдек биноларни қишки мавсумга тайёрлаш каби ишларга сарфланди.

Жамоа шартномасида белгиланганидек профессор-ўқитувчи ва ходимлар йил давомида моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилди. 2005 йил мобайнида университет профессор-ўқитувчи ходимларига университет ва касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 9 миллион 197 минг 425 сўм моддий ёрдам ва 115 миллион 606 минг 423 сўм мукофот берилди.

Университетда узоқ йиллар ишлаб ҳозирда тўла нафақада бўлган ўқитувчи-ходимлар ва ногиронларга, уруш ва фронт орти фахрийларига 2 миллион 305 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг юбилей ёшлари ва тўла нафақага кузатишда улар ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб келиниб, бу ишларга 1 миллион 150 минг сўм маблағ сарфланди.

Университетимизда профессор-ўқитувчи ходимлар ва талабалар ўртасида маданий-оммавий спорт тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Байрам тадбирларини ташкил этиш, оммавий спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб туриш касаба уюшмасининг асосий иш фаолиятларидан биридир.

Хусусан, 2005 йилда маданий-оммавий тадбирларга 26 миллион 580 минг 154 сўм, оммавий спорт тадбирларига 16 миллион 306 минг 800 сўм маблағлар сарфланган. Профессор-ўқитувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларига ёзги таътил даврида соғлиқларини тиклаш ва дам олишлари учун Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан республикамиздаги санаторийларга 31 та, дам олиш уйларига оилавий 11 та, сув-спорт ҳавзаларига 84 та, болалар дам олиш оромгоҳларига 80 та йўлланма ажратилган.

Касаба уюшма қўмитасида меҳнат муносабатларида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш учун ходимлардан тушадиган шикоят ва аризаларни белгиланган муддатларда кўриб чиқадиган махсус комиссия иш олиб боради. Бу комиссия умумий қонуний меъёрий ҳужжатларга ва ЎзМУ нинг "Ички тартиб қоидалари" низомига асосланади.

Университетимизда ишлаб чиқилган "Низом" асосида мавжуд 14 та факультет бўйича йилнинг "Энг яхши ўқитувчиси", "Энг яхши катта ўқитувчиси", "Энг яхши доценти", "Энг яхши профессори" номинациялари бўйича танлов эълон қилиниб, 75 киши танлов ғолиби бўлиб, уларга қўшимча ҳақлар белгиланди.

Шунингдек, университет профессор-ўқитувчи ва талабаларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Университет" кредит уюшмаси ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда уюшма аъзоларининг умумий сони 504 та бўлиб, шундан 422 таси университет профессор-ўқитувчи ва талабаларидир. 2006 йил 1 февраль ҳолатига кўра уюшманинг низом жамғармаси 33 миллион 878 минг сўмни, айланма пул миқдори 61 миллион 278 минг сўмни ташкил этади. Дивидендлар 2005 йил бўйича уюшма аъзоси пай бадалининг 11 фоизига тўғри келди. ЎзМУ ходимлари ва талабалари учун "Имтиёзли кредит бериш" жамғармаси ташкил этилган. Ушбу жамғарма орқали ЎзМУ профессор-ўқитувчи ва талабалари имтиёзли фоиз ставкалар асосида истеъмол ҳамда таълим кредити олиш имкониятига эгадир.

Касаба уюшмаларининг мавқеи, фаолиятининг аҳамияти ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Асосий гап эса амалий ишларда ва уларнинг пировард натижасидадир ва бундан ходимларга қанақа наф етаётганидадир. Ҳавойи режалар, мақсади ноаниқ шартномалар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Аввало касаба уюшмаси меҳнат жамоасининг, ҳар бир ходимнинг дарду ташвиши, муаммоларидан хабардор бўлиши керак. Ишни ана шу масалалар ечимига қаратиш зарур. Буни мақсадли қарорлар қабул қилиш ва улар ижросини таъминлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари IV қурултойи қарорларида тармоқда ташкилий тузилмаларни мустаҳкамлаш, айниқса бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини халққа яқинлаштириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Зеро, жамиятни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш, шарқона қадриятларни қарор топтиришнинг мазмун-моҳияти ҳам шуни тақозо этади.

Акбар ЎТАМУРОДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети касаба уюшма қўмитаси раиси

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ АГРЕГАТЛАР

БАҲОР МАВСУМИ ДЕҲҚОНЛАР УЧУН ҲАҚИҚИЙ МЕҲНАТ ФАСЛИ. ЧУНКИ ШУ ДАВРДАН БОШЛАБ УЛАРНИНГ ЮМУШЛАРИ КЎПАЯДИ, ИШГА ҒАЙРАТ БИЛАН КИРИШАДИЛАР.

Ана шу юмушларни адо этишда уларга энг яқин кўмакчи бўлган турли техника воситалари ва механизмларни тайёрлаб беришда «Агрегат заводи» акциядорлик жамиятининг ўзига хос ўрни бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, маҳсулотнинг давр талабига мос турларини ишлаб чиқариш ўзига хос маҳорат ва изланиш самарасидирки, жамоа тадбиркорлари буни уддалашмоқда. Шу боис ҳам сўнгги йилларда корхона цехлари қайта таъмирланиб, Германия ва Голландиядан келтирилган илғор технологик линиялар билан жиҳозланди. Ана шунинг самараси ўлароқ бу ерда тайёрланаётган қишлоқ хўжалик техникаларининг сифати ортди, ишчиларнинг малакаси ҳам юксалди.

Шу кунга келиб корхонада яна 60 хилдан зиёд техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган бундай маҳсулотлар эндиликда илгари хориждан келтирилган деталлар ўрнини босиб, иқтисодий тежамкорликни таъминлаш баробарида ишдаги унумни ҳам оширмоқда.

Корхона жамоаси 2005 йилдан бошлаб Россия давлатининг Санкт-Петербургдаги фирмаси билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйди. Ана шу ҳамкорлик асосида Франциядан келтирилган техника воситаларига, масалан экиш сеялкаларига қўшимча эҳтиёт қисмлар тайёрлаб ўрнатилди ва самарадорлиги бир неча баробарга ошди. Синов даврида шу нарса аниқ кўриндики, ушбу сеялкада уруғ аниқ экилади.

Жамоанинг техника ихлосмандлари жорий йилда эзгу ниятлар билан ишлашмоқда. 2006 йилнинг ўтган ойларида иш суръати ўсди. Буни айни шу даврда 1 миллиард 120 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлангани ҳам исботлаб турибди.

Муваффақият бор жойда янгиликлар ҳам бўлаверади. Чунки ютуқлар изланишлардан, янгиликка интилишдан туғилади. Шу боис мутахассислар маҳсулотларнинг янги турларини яратиб, дала меҳнаткашларига тортиқ этиш устида тинмай изланишмоқда. Жорий йил охиригача тадбиркорлар янги турдаги плуг ҳамда пуркагичлар ишлаб чиқаришни режалаштиришган. Ҳозирда уларни яратиш устидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ҲАР ЙИЛНИ МАЪЛУМ БИР МАВЗУГА БОҒЛАБ БЕРИШДА КАТТА МАЪНО БОР. КОМПАНИЯМИЗДА ҲАР ЙИЛИ МАНА ШУ ЙЎНАЛИШЛАРГА ҚАРАБ ТАДБИРЛАР ТУЗАМИЗ. БУ ТАДБИРЛАРНИНГ БАРЧАСИДА ИНСОН ОМИЛИГА, УНИНГ МАНФААТИГА ЭЪТИБОР БЕРИЛАДИ. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ЁШЛАРГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ КУЧЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ОҚИБАТЛАРИДАН ОГОҲ ҚИЛИБ, ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ ЙЎЛИДА

Ишга янги қабул қилинган кадрлар билан бу мавзуда касаба уюшмасида алоҳида яккама-якка суҳбатлар уюштирилади. Компаниядаги тартиб-интизом ва «Ахлоқ кодекси» билан таништирилади. Ҳуқуқий манфаатлар юзасидан ҳуқуқшунослик бошқармаси ва касаба уюшмасида маслаҳатлар ташкил этилган.

Компания республика, шаҳар, туман «Маънавият ва маърифат» марказлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Улар билан биргаликда бир қанча семинар, маърузалар, давра суҳбатлари ташкил этилади. Ўтган йил «Сиҳат-саломатлик йили» дастурига мувофиқ ҳам анчагина ишлар ҳамкорликда амалга оширилди. Масъул шахслар ҳар бир белгиланган чора ва тадбирларни ўз вақтида бажардилар. Барча корхоналаримиздаги тиббиёт бўлимлари янгидан таъмирдан чиқарилди, керакли мебель жиҳозлари, зарур дори-дармонлар билан таъминланди. Компания корхоналаридаги зарарли участкаларда ишловчилар туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бўлими билан биргаликда шифокорлар кўригидан ўтказилди. Тор мутахассисликлар бўйича 265 киши шифокорлар кўригидан баҳраманд бўлдилар. Сурункали касаллик билан оғриган беморлар учун бир миллион сўмлик дори-дармонлар олинди. «Файзли-оила" МЧЖ қошидаги УЗД аппаратида ташхис қўйишда кўпчилик имтиёзли, 48 киши эса бепул фойдаланди.

Спорт билан шуғулланган киши кам касал бўлади, ёки умуман касал бўлмайди. Шу ақидага амал қилган ҳолда биз мактаб, коллеж ва спорт клубларини спорт анжомлари билан жиҳозлашга эътибор қаратганмиз. Ўтган йили 50 миллион сўмлик спорт анжомлари ишлаб чиқардик. Улардан оталиғимиздаги "Янги ҳаёт" маҳалласи фарзандларининг спорт билан шуғулланишлари учун спорт матраслари бепул берилди. Сергели туман спорт комплексига 10 миллион сўмлик спорт анжомлари ва мебеллар билан бепул ёрдам, кўрсатилди. "Нўғайқўрғон" маҳалласидаги оилавий поликлиникага 20 миллион сўмлик мебель жиҳозлари берилди.

Компаниямиз хайрли ишларни фақат туман миқёсида эмас, балки республика бўйича ҳам амалга оширмоқда. Чунончи болалар спортини ривожлантириш фонди, "Экосан" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон карлар ва кўрлар жамиятига ҳам хайрли ёрдам кўрсатилди.

Корхонада ҳар бир номланган йил ўзига хос тарзда кенг нишонланади.

Бу йил Хомийлар ва шифокорлар йили бўйича ҳам тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Эзгу ниятларимизни амалга ошириш учун куч-ғайратимизни асло аямаймиз.

Мукаррам АЗИМОВА,
"Файз" ОАЖ холдинг компанияси бошқаруви раиси

ХАЙРЛИ АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

«НОРУДА" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИЛИШ ХОМ АШЁЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗ ЎРНИГА, САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ, РАУФХОН ШАРИПОВ БОШЧИЛИГИДАГИ АҲИЛ ЖАМОАДА 416 НАФАР ИШЧИ БАРАКАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.

Моддий манфаатдорлик муваффақият омили деб бежиз айтилмайди. Корхонада ўртача иш ҳақи 108 минг сўмни ташкил этади. Умумхалқ байрамлари муносабати билан ишчиларга мукофот берилмоқда. Ҳалол меҳнат натижаси бўлган мукофотлар шубҳасиз ишчиларни янада самарали ишлашга рағбатлантиради. Ишчи-хизматчиларга, уларнинг оила аъзоларига касалхоналарда соғлиқларини тиклашда, мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказишда корхона маъмурияти томонидан имконият даражасида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, корхонада ишлаган меҳнат фахрийларига, тўй маросими муносабати билан ишчиларга, Халқаро хотин-қизлар байрами сабабли аёлларга корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам берилмоқда.



Хайр-саховатли ишларни имкон даражасида амалга оширишга корхона маъмурияти эътибор қаратиб келмоқда. Яқинда Рауфхон Шарипов раҳбарлигидаги корхона маъмурияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Бектемир тумани ҳудудида яшаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 20 нафар фарзандларининг суннат тўйлари мазмунли ўтказиб берилди. Азиз болаларнинг бахтли келажаги учун уларнинг номига омонат дафтарчаси очилиб, ҳар бирига 20 минг сўмдан маблағ ўтказилди ва тўй шодиёнасида муҳтарама оналарига сидқидилдан ёрдам сифатида тантанали равишда топширилди. Миллий таом — ош тортилиб, ишчи-хизматчилар, "Астробод" маҳалласи аҳли вакилларидан иборат 500 нафар киши файзли байрам дастурхонининг азиз меҳмони бўлдилар. Болажонлар ҳамда уларнинг волидаи муҳтарамаларининг кўрсатилган эътибордан мамнун чеҳраси кишини эзгу, хайрли ишларга чорлаши билан бирга болаларнинг мурғак қалбида инсонларга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини ўсиб-унишига омил бўлиши қувонарлидир. Шунингдек, корхона тумандаги маҳалла, мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларига ўз маҳсулоти орқали ҳамда маблағ ўтказиш билан ҳомийлик ёрдамини кўрсатмоқда. Жумладан, тумандаги мактаблар учун очилган компьютер маркази учун бир нечта компьютерлар ҳомийлик ёрдами тарзида ҳадя этилиб, ўқувчилар бу даргоҳда компьютер бўйича саводхонликларини оширадилар. Шунингдек, мамлакатимизда маданият ва спорт ишларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маданият ва спорт ишлари вазирлигига бир миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами берилди.

Хайр-саховат кўрсатишдек халқимизга хос анъанани баҳоли қудрат давом эттириш корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, бу борада куч-ғайратларимизни асло аямаймиз.

Ильмира БАХТЕЕВА,
«Норуда» ОАЖ касаба уюшма қўмитасининг раиси

СУРАТДА: Наврўз байрамида Бектемир ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун ўтказилган суннат тўйида тўй болаларига омонат дафтарчалари топширилмоқда.

КОЛЛЕЖГА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР КЕЛТИРИЛДИ

ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.

Ўқувчининг билимли бўлишида ўқитувчи малакаси билан бир қаторда дарсларни замонавий технологиялар асосида ташкил этилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларини замонавий ўқув жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур коллежда мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи, хорижий тилларни ўргатувчи ўқитувчи ҳамда компьютер саводхонлиги каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади. Айни пайтда мазкур ўқув масканида 1 минг 948 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга пухта билим бериш, таълим жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида биология, физика, кимё хоналари, ўқув устахоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Бу Осиё Тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик банки ҳамда Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам лойиҳалари доирасида амалга оширилди.

МАҲАЛЛА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУН

МАҲАЛЛА — ТАРБИЯ ЎЧОҒИДИР. АЙНИҚСА, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МАВҚЕИ ОРТИБ БОРМОҚДА. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА МАҲАЛЛА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ СИФАТИДА МУҲИМ ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ.

У тарихнинг кўп асрлик синовидан ўтган миллатимиз урф-одатлари, анъаналарини ўзида мужассам этган. Аҳолининг ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшашини таъминлашга хизмат қилувчи бошқарув тизимидир. 1966 йилда пойтахтда юз берган зилзиладан сўнг аҳолини турар жой билан таъминлаш мақсадида экинзор ўрнида янги маҳалла барпо этилган. «Янгиобод» деб номланган ушбу масканда ҳозирда обод маҳаллалардан бирига айланди. Айни пайтда бу ерда икки мингдан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла фуқаролари байрамларни биргаликда нишонлашни одат қилишган. Навбатдаги тадбир маҳалла ташкил этилган кунга бағишланди.

Бунда йиғилганлар шу даргоҳда яшаб ўтган, маҳалла ободлиги ва фуқаролар бирдамлигига ўз ҳиссасини қўшган инсонларни ёдга олишди. Уларнинг суратлари фахрийлар тахтасига илиниб, келгуси авлод учун исмлари Хотира китобига муҳрланди. Сўзга чиққанлар маҳалланинг тарихини гапириб беришди. Таниқли санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

«Туркистон-пресс»

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ТАЛАБЛАРИГА АСОСЛАНИБ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАНД БЎЛГАН ХОДИМ ВА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН СОҒЛОМ ВА ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ, УЛАРНИНГ МЕҲНАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ ВА АЙТИШ КЕРАККИ, БУ ЙЎНАЛИШДА ТАЛАЙГИНА ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ, БУ МАҚСАДЛАРГА ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ҲАР ЙИЛИ 5,5-6 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ САРФЛАНАДИ.

Бу ишларни янада жадаллаштириш, мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни аниқлаш ва амалга оширишда иш берувчиларга ёрдам кўрсатиш, жойларда касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва қоидаларга риоя қилиши юзасидан жамоат назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятини жонлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатларининг қарорлари билан "Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан кўрик-танлов" эълон қилинган ва ўтказиб келинмоқда. Ушбу кўрик-танлов ўтган давр ичида ўзининг ижобий натижаларини намоён қилди. Дастлабки маълумотларга кўра, 2005 йилда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Кенгаши хизматига кирган корхона ва ташкилотлар бўйича ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг умумий сони аввалгиларига нисбатан 20 фоизга, оқибати оғирлари 19 фоизга, ўлим билан тугаганлари 40 фоизга камайган.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Кенгаши ўтказилаётган шаҳар кўрик-танловининг 2004-2005 йиллар якунларини кўриб чиқди ва ғолибларни аниқлади. Раёсат мажлисининг қарори билан "Технолог" очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили Фарид Шарипов ишларининг асосий кўрсаткичлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига Республика-танловида кўриб чиқиш учун юборилди, "159-қурилиш трести" акциядорлик жамияти ва С. Раҳимов туманидаги 42-сон оилавий поликлиника касаба уюшма қўмиталарининг меҳнатни муҳофаза қилиш уюшма қўмиталарининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиялари ҳамда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент шаҳар ер ости умумий ўтиш муҳандислик коллекторлар бошқармаси, «Тошкент ёғ-мой комбинати" очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллари Қ. Азизов, А.М. Голуб, Х.М. Холматовалар шаҳар кўрик-танловининг ғолиблари деб топилди. Ғолиблар кўрик-танлов ўтказиш бўйича тасдиқланган Низомга асосланиб, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Бирлашма кенгаши раёсати қарори билан барча тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотларига ўтказилаётган ушбу кўрик-танловни янада жонлантириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш юклатилди.

Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Қобил ДАДАБОЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

Қарор ва ижро

ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ: ХАВФСИЗЛИК ВА СИФАТ — ЮКСАК САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ТОБОРА ЯХШИЛАНМОҚДА.

Айниқса, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларга сифатли транспорт хизмати кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада малакали хизмат кўрсатишга, транспорт таркибининг яроқли ва созлигини кафолатлашга қодир замонавий тузилмалар — мулкчиликнинг турли шаклидаги корхона, уюшма ва компаниялар пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги транспорт соҳасида таркибий ва институционал ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш, хизматлар бозорини ривожлантиришга ҳамда транспортда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича махсус ваколатга эга давлат бошқаруви органидир. Мазкур агентлик бошлиғи ўринбосари Шоолим ШОВАҲОБОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати автомобиль транспорти соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига бағишланди.

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда қисқа давр ичида йўловчиларга сифатли транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш ҳамда автомобилларда йўловчилар ташишга оид бешта қонуности ҳужжати қабул қилинди, — дейди Ш.Шоваҳобов. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнининг янги босқичини бошлаб берди. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 18 январдаги «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Президентимизнинг 2006 йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида»ги ва 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари ҳам бу борадаги навбатдаги муҳим ҳужжатлар бўлди.

Айни кунларда мазкур ҳужжатлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда мутахассислар, мутасадди идоралар раҳбарлари ва транспорт ходимлари иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

— Йўловчи ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг бу жараёндаги иштироки қандай бўлади?

— Президентимизнинг жорий йилнинг 9 мартида имзоланган «Автомобиль транспортида йўловчи ташишлар соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорида бу масала аниқ белгилаб берилган. Қарорга асосан эндиликда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташиш ҳуқуқига фақат юридик шахслар эга бўлади. Бундан кўзланган мақсад эса фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизмати сифатини оширишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорнинг йўловчи ташиш учун илгари олган лицензияси 1 июнгача амал қилади. Номи қайд этилган қарорга мувофиқ олдиндан тўлаб қўйган давлат божи масаласида хусусий тадбиркор ҳеч қандай зарар кўрмайди. Сабаби — ушбу маблағ юридик шахсни ташкил этиш жараёнида ҳисобга олинади. Мабодо, хусусий тадбиркор ўз фаолиятини мазкур соҳада давом эттиришни истамаса, божнинг қолган қисми унга белгиланган тартибда қайтарилади.

— Йўловчи ташиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни бериш бўйича янги қоидаларнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

— Ҳозирга қадар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолияти билан юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам шуғулланиб келар эди.

Аммо, тажрибадан аён бўлдики, яратилган шароит деярли бир хил бўлишига қарамай, мавжуд тартиб-қоидаларга уларнинг барчаси бирдек амал қилаётгани йўқ. Айтайлик, юридик шахсларда автомобилларни ўз вақтида таъмирлаш, техник ва тиббий хизмат кўрсатиш имконияти кенг. Шу сабаб уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартлари - кунлик қатнов олдидан ҳайдовчини тиббий, автотранспорт воситасини эса техник кўрикдан ўтказиш борасида деярли муаммо йўқ. Якка тартибда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахсларнинг барчаси ҳам, афсуски, бундай имкониятга эга эмас. Шу боис улар тиббий ва техник кўрик масаласида бошқа шахслар, муассасалар билан шартнома тузиб ишлашга мажбур. Натижада баъзан улар томонидан хавфсизлик учун ўта муҳим ушбу масалага эътиборсизлик билан қараш ҳоллари учрамоқда. Автотранспорт эгаси кундалик техник кўрикни, ўз вақтида ва сифатли таъмирни тўлиқ таъминлай олишига доимий кафолат йўқ. Унинг соғлиғи, ҳушёрлиги, йўловчиларнинг ҳаёти учун масъулиятни нечоғли ҳис қилиши ҳам баҳсли масала. Бундай ишончсизлик эса йўловчининг ҳам, ҳайдовчининг ҳам, қолаверса, йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ҳаётини ҳам жиддий хавф остига қўйиши табиий.

Давлатимиз раҳбари имзо чеккан қарорда, аввало, айнан мана шундай хавф-хатарга барҳам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, якка тартибда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркор энди юридик шахсларга бирлашган ҳолда иш юритади. Қатнов олдидан автомобилни техник, ҳайдовчини тиббий кўрикдан ўтказиш вазифаси эса юридик шахс зиммасида бўлади. Натижада йўловчи ўзига соғлом ҳайдовчи бошқарувидаги техник жиҳатдан соз автомобиль хизмат кўрсатаётганини ҳис этади, транспорт хизматига нисбатан ишончи ортади.

Яна бир қулайлик - жисмоний шахс юридик шахс таркибига кираётиб, ўз автомобилини унга устав фонди сифатида беради. Натижада автоуловининг вақтида таъмирланишига, яъни доимий тарзда техник соз ҳолда бўлишига эришади.

Қарорда жисмоний шахсларнинг юридик шахс таркибига кириши ёки ўз фаолиятини тугатиши жараёнида уларга ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар етмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Юридик шахс таркибида фаолият кўрсатишни хоҳлаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг мавжуд лицензиялари ва лицензия варақалари ҳеч бир монеъликсиз қайта рўйхатдан ўтказилади. Тижорат асосидаги фаолиятини тўхтатмоқчи бўлганларга эса лицензия учун тўлаган давлат божи миқдорининг фойдаланилмаган қисми қайтарилади. Бундан ташқари, ўз шахсий автомобилини юридик шахсга устав фонди сифатида киритаётган тадбиркорлар автотранспорт воситаларини рўйхатга олишда тўланадиган Республика йўл жамғармаси мажбурий йиғимидан ҳам озод этилади. Фақат хусусий тадбиркорлар учун яратилган мазкур имтиёз жорий йилнинг 1 июнигача амал қилади.

— Янги ҳужжатларда ноқонуний равишда йўловчи ташувчиларга нисбатан қандай чоралар белгиланган?

— Йўловчи ташиш соҳасида ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан аввалдан ҳам жазо чоралари мавжуд эди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексининг 176-моддасига асосан уларга энг кам иш ҳақининг 5 дан 10 баробаригача миқдорда жарималар қўлланиларди. Тажриба бу жазо чораларининг анча енгиллигини, шу боис унинг натижаси кутилган самара бермаслигини кўрсатди.

Президентимизнинг жорий йилнинг 28 февралидаги қарорига асосан, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тугатиши жараёнида уларга ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар етмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Юридик шахс таркибида фаолият кўрсатишни хоҳлаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг мавжуд лицензиялари ва лицензия варақалари ҳеч бир монеъликсиз қайта рўйхатдан ўтказилади. Тижорат асосидаги фаолиятини тўхтатмоқчи бўлганларга эса лицензия учун тўлаган давлат божи миқдорининг фойдаланилмаган қисми қайтарилади. Бундан ташқари, ўз шахсий автомобилини юридик шахсга устав фонди сифатида киритаётган тадбиркорлар автотранспорт воситаларини рўйхатга олишда тўланадиган Республика йўл жамғармаси мажбурий йиғимидан ҳам озод этилади. Фақат хусусий тадбиркорлар учун яратилган мазкур имтиёз жорий йилнинг 1 июнигача амал қилади.

— Янги ҳужжатларда ноқонуний равишда йўловчи ташувчиларга нисбатан қандай чоралар белгиланган?

— Йўловчи ташиш соҳасида ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан аввалдан ҳам жазо чоралари мавжуд эди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексининг 176-моддасига асосан уларга энг кам иш ҳақининг 5 дан 10 баробаригача миқдорда жарималар қўлланиларди. Тажриба бу жазо чораларининг анча енгиллигини, шу боис унинг натижаси кутилган самара бермаслигини кўрсатди.

Президентимизнинг жорий йилнинг 28 февралидаги қарорига асосан, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширган шахслар энди энг кам иш ҳақининг 20 дан 150 баробаригача миқдорда жарима солиниши йўли билан суд орқали маъмурий жавобгарликка тортилади. Айни шундай ҳуқуқбузарлик бир йил мобайнида такроран содир этилса, йўловчи ташиш транспорти мусодара қилиниб, айбдор шахснинг ўзини қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, автотранспортда йўловчи ташиш фаолияти билан фақат юридик шахсларнинг шуғулланиши ҳаракат хавфсизлигига эришиш - йўловчи, ташувчи ва барча йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаётини ҳимоя қилишга, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга олиб келади.

ЎзА мухбири
Норали ОЧИЛОВ
суҳбатлашди

Маънавият

УСТОЗНИНГ ЯНГИ ДАРСЛИГИ

МУСИҚАЛИ ТЕАТР САНЪАТИНИ ДИРИЖЁРСИЗ ТАСАВВУР ЭТИБ БЎЛМАЙДИ. РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МУСИҚАЛИ ТЕАТРЛАРДА ҲАМ КЎПЛАБ ЗАҲМАТКАШ МУСИҚА САНЪАТИ УСТАЛАРИ ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДАЛАР.

Муқимий номидаги мусиқали театрнинг моҳир дириёри Эргаш Тошматов раҳбарлигида қатор қизиқарли спектакллар намойиш қилинди.

Устоз санъаткор айни вақтда Тошкент Давлат маданият институтида ёшларга мусиқали театр санъатидан сабоқ бериб келмоқда.

Мазкур ижодкорнинг кўп йиллик бой билим ва тажрибаси янги ўқув адабиётининг юзага келишида қўл келди. «Дирижёрлик санъати» деб номланган бу дарслик олий ўқув юртлари талабаларига фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

«ШУМ БОЛА» ИНГЛИЗ ТИЛИДА

АТОҚЛИ СЎЗ УСТАСИ ҒАФУР ҒУЛОМ АСАРЛАРИДАН БИР НЕЧТАСИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН. КИТОБХОНЛАР ОРАСИДА ОММАЛАШИБ КЕТГАН «ШУМ БОЛА» ҚИССАСИНИ ЭНДИЛИКДА ТУРЛИ ТИЛЛАРДА ЎҚИШ МУМКИН.

Бу асарнинг инглизча таржимаси ҳам яқин орада ниҳоясига етади. Бу хайрли ижодий ишга адабий таржималар клуби жамоаси бош қўшди. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети ҳузурида фаолият кўрсатаётган мазкур клуб асарнинг инглизча таржимасини амалга оширгач, уни босмага тайёрлади.

Клуб саъй-ҳаракати билан бундан олдин ўзбек адибларининг энг яхши ижод намуналарини ўз ичига олган адабий тўплам ҳам инглиз тилида нашр этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

РЕСПУБЛИКА «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИДА ЎСМИРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. ПЕДАГОГЛАР, МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ПРОРЕКТОРЛАРИ, ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТГАН МАЗКУР ТАДБИР РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ, БОШ ПРОКУРАТУРА, «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва янгилаш жараёни маънавий-маърифий соҳадаги туб ўзгаришлар билан уйғун ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

Айни вақтда бу масъулиятли жараёнда жамиятда қонун ва адолат устуворлиги, халқимиз, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини юксалтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Шу боис мамлакатимизда фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқ ва маданиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, ўз ҳақ- ҳуқуқларини яхши билган халқгина кучли, адолатли жамият барпо эта олади.

Анжуманда оилада фарзандларни шахс сифатида тарбиялаш масалалари, ёшларнинг, жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда маҳалла, таълим муассасалари ва оиланинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ИШЛАР САРҲИСОБИ

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ЮНУСОБОД ТУМАНИ БЎЛИМИНИНГ ҲИСОБОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Анжуманда ўтган йил мобайнида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳамда келгусидаги вазифалар юзасидан туман кенгаши раисининг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, вояга етмаганлар орасида гиёвандлик ва ОИТС балосига қарши ўтказилган ташвиқот ишлари, жиноятчиликнинг олдини олиш каби кўплаб долзарб масалалар борасида қилинган ишлар юзасидан маълумот берилди.

Шунингдек, бўлим назорат тафтиш комиссияси бажарилган ишлар, сарф-харажатлар ва бошқа омиллардан келиб чиқиб кенгаш фаолияти қониқарли деб топилди.

Анжуман давомида «Камолот» фаоллари ва ҳаракат сафига янги қабул қилинган аъзолар томонидан келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Туркистон-пресс»

Пиру бадавлатларимиз

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

ОДАМЗОТ УМРИНИ ЎҚИЛМАГАН КИТОБГА ҚИЁСЛАШАДИ. ЗЕРО БУ КИТОБ ИЧИДА БЕҲИСОБ МАЗМУН ВА МОҲИЯТ МУЖАССАМ. ОРАМИЗДА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ УЛАРНИНГ БОСИБ ЎТАЁТГАН УМР ЙЎЛЛАРИ ИБРАТЛИ БИР КИТОБДИР.

Унда эзгулик шуъла сочади, эътиқод бонг уради, одоб-ахлоқ ва энг муқаддас туйғулар нур таратиб борлиқни мунаввар этиб туради. 84 ёшни қаршилаган Баҳром ота Муслимов ана шундай инсонлар сирасига киради.

— Мен, — дейди ота, — умримнинг энг жўшқин дамларини илмга бағишладим, 46 йил ўзим билим олган 116-мактабда она тили ва адабиёт фанидан ўқувчиларга сабоқ бердим. II жаҳон уруши йилларида мамлакат ичарисида ёшларга илму маърифат нурини таратишдек шарафли ва заҳматли вазифа айни дамда фидойиликни талаб қиларди. Ўқитувчилик касби нечоғли мураккаб бўлмасин, унинг ортида ҳузурли бир лаззат борки, унинг тафти ҳамиша ўзига чорлаб туради.

Мактабда Ғафур Ғулом, Ойбек, Комил Яшин, Иззат Султон, Собир Абдулла каби ёзувчи, шоир, драматурглар билан ҳамкорликда турли хил учрашув, тадбир ва бадиий кечалар ўтказиб туришни анъанага айлантирганим ҳам айни ҳақиқат. Шунинг баробарида ўқувчилар билан турли саҳна кўринишидан парчалар ўйнаш баробарида, Алишер Навоий образини талқин этганман. Аброр Ҳидоятов, Лутфихоним Саримсоқова каби буюк актёрларни шу қутлуғ даргоҳга таклиф қилганман. Ҳа, умр лаҳзалари кино тасмадай зувиллаб ўтиб кетди. Хотирамда яхши ва ёмон кунлар ёди қолди. Ўйлайманки, умрим беҳуда ўтмади. Қатор-қатор шогирдларим, рафиқам, севимли фарзандларим, набира ва эваралларим фахрланса арзийдиган машаққатли, заҳматли, аммо хайрли йўлни босиб ўтганимдан мамнунман. Инсон шу кўҳна оламда яшар экан, ҳамиша ўзидан яхши ном қолдирмоғи жоиздир. Зеро, яхшилик умр нақшидир.

Дарҳақиқат, Баҳром ота Муслимовнинг ҳаёт йўли мисоли бир жўшқин чашма. Унда энг эзгу тилаклар, хайрли мақсадлар, меҳру мурувват балқиб туради. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, «Халқ маорифи аълочиси, «Меҳнат фахрийси» унвонига эга, «Шуҳрат» ордени, Фахрий ёрлиқлар соҳиби бўлган, ҳозирги кунда эса қарилик гаштини сурмоқда.

Рафиқалари Каромат ая билан икки ўғил ва икки қизни вояга етказиб бугунги кунда ўн учта невара битта эвараларига бош-қош бўлиб келмоқдалар. «Бир ҳовуч олтин» деб номланган китоблари ҳам ўз мухлисларини топган.

— Додам, — дейди отанинг севимли набиралари Моҳир, — жуда ғайратли, шижоатли, тиниб-тинчимас инсон, мен улар билан фахрланаман, бахтимизга ҳамиша соғ-саломат юрсинлар.

Ҳа, «Қариси бор уйнинг париси бор»,— дейди донишмандлар. Баҳром ота ва Каромат ая истиқомат қилаётган файзли хонадонга ҳамманинг ҳаваси келади. Паризанда, очиқ юз, сариштали келинлари, невара келини доимо уларнинг хизматига шай. Баҳром ота ҳар бир ишда болаларига ҳамдам, ҳамқадам. Каромат аянинг кулиб турган чеҳрасидан эса нур аримайди.

Бутун умрини эзгуликка бағишлаб келаётган бундай нуроний кексалар ҳаётимизнинг ғанимат устунларидир. Уларнинг хизматини қилиш, дуосини олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Истардикки, Баҳром отанинг ибратли умр йўллари барчамизга ибрат бўлсин. Яхшилик улашайлик, эзгулик уруғини сочайлик. Сўнгги сатрларимни эса отанинг муборак сўзлари билан якунлашга жазм этдим.

— Илоҳим, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин. «Ҳамжиҳатлик давлат, ёлғизлик кулфат» деганларидек, барчамизни яхшилик ва ҳамжиҳатлик тарк этмасин. Ёлғизликдан Худонинг ўзи асрасин. Илм нури ақлимизни чарҳлайверсин, китоб ўқишдан толмайлик, азизлар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,

СУРАТДА: Баҳром ота Муслимов умр йўлдоши ва фарзандлари даврасида

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



ШАҲРИМИЗДАГИ «DEDEMAN SILK ROAD» МЕҲМОНХОНАСИДА «НОДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОУЗАТУВЧИЛАРНИНГ 2006-2007 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ» МАВЗУСИДА КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ (ЎЗЭОАВМА) ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА ЎТКАЗИЛДИ. КОНФЕРЕНЦИЯДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, НОДАВЛАТ ҲУДУДИЙ ТЕЛЕ-РАДИОСТАНЦИЯЛАР ВА КАБЕЛЬ СТУДИЯЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Анжуманлар

МУҲОКАМАДА — РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ

Конференция давомида ЎзЭОАВМА ва унинг таркибий қисмлари — Нодавлат ЭОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат телекомпаниялари телетармоғи (ЎзНТТ), «Эркин фикр» телестудияси, «Ўзбекистон кабель системалари»нинг 2005 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот тингланди. Эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар юзасидан фикр алмашилди.

Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг 2006-2007 йилларга мўлжалланган Ривожланиш дастури муҳокамаси баҳс-мунозараларга бой бўлди. Мамлакатда замонавий масс-медиа бозорини барпо этиш, ислоҳотлар ва янгиланиш даврида нодавлат ЭОАВнинг аҳамиятини ошириш бўйича телевидение, радио ва кабель узатувчилари секциялари вакиллари ўз дастурлари билан таништиришди. Қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилганидан сўнг дастур бир овоздан қабул қилинди.

Конференция кун тартибидан ўрин олган «Оммавий ахборот воситалари соҳасида Қонунчилик ислоҳотлари» мавзусидаги давра суҳбати иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан ташриф буюрган депутатлар нодавлат ЭОАВ вакилларини янги қонун лойиҳалари билан таништиришди. Бу борада ҳудудий теле-радиостанциялар вакиллари ҳам ўз фикрларини баён этишди. Суҳбат якунида ҳудудий теле ва радиостанция вакиллари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ташаббуси билан чиқишди. Яқин кунларда мазкур мавзуда алоҳида семинар ўтказишга келишиб олишди.

Жорий йилнинг бошида қатор нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ЎзЭОАВМАга аъзо бўлиш истагини билдирган эди. Ассоциация бошқаруви уларнинг мурожаатлари билан яқиндан танишиб чиққач, мазкур масала умумий конференция муҳокамасига қўйилди. Иштирокчиларнинг бир овоздан розилиги билан ассоциация аъзолари яна 16 нафарга кўпайди. Шу билан бирга фаолият юритиши учун лицензияси бўлган, лекин ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлмаган 40 та кабель студиялари ЎзЭОАВМАга уюшган ҳолда аъзо бўлишди.

Айтиш мумкинки, конференциядан кутилган мақсадга эришилди. Қабул қилинган Ривожланиш дастури нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда, фуқаролик жамияти қурилишида янада фаол иштирок этишига омил бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кулфат тушуб бошиға, оғу тушуб ошиға,
Келмай киши қошига, ақрону меҳрибонлар.
БАЁНИЙ

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.
«АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ»

ҲИКОЯТ. Сулаймон Барроқ шундай ҳикоя қилибди.

— Кунлардан бир куни халифа Маъмун олдида ўтирган эдим. У заргарни чақиртирди ва унга каттагина ёқутни бериб, ундан узуқ тайёрлашни буюрди. Эртасига худди шу пайтда унинг олдида ўтирган вақтимда узуқ эсига тушиб, заргарни йўқлатди. Эшикдан кириб келган заргар терак япроғи каби титрар эди. Маъмун ундан нима воқеа бўлганини сўради. Заргар қалтираб деди:

—Узукни тайёрлаб, энди унга кўзни ўрнатаётган эдим, қўлимдан тушиб, сандонга тегди ва тўртга бўлиниб кетди!

Катталиги ва ноёблиги жиҳатидан камдан-кам ҳукмдорда бўладиган бундай ёқутнинг сингани Маъмунни қайғуга солмади ва заргарга қараб:

— Майли, хафа бўлма, бориб ундан тўртта узук яса! — деди.

Маъмундан содир бундай муомала чидам ва мулойимликнинг юксак даражаси эди. Байт:

Юмшоқликдир камолотнинг мояси,
Иззат билан улуғликнинг сояси.
Хижолатли кўзларгадир тўтиё,
Синган юрак ойнасига мўмиё!
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Инсонийлиги бўлмаганнинг мулойимлиги ҳам бўлмайди.
«ОТАЛАР сўзи»

Анушервон Бузургмеҳрдан: «Мулойимлик нима?» деб сўради. У деди: «Мулойимлик ахлоқ дастурхонининг тузи. Ҳилм, яъни мулойимлик сўзини тескари ўқисанг, милҳ, яъни туз бўлади. Ҳеч бир овқат тузсиз таъмга эга бўлмайди. Ҳеч бир хулқ ҳам ҳилм, яъни мулойимликсиз камол тополмайди!» Анушервон яна ундан: «Мулойимликнинг белгилари қандай бўлади?» деб сўради. «Унинг уч аломати бўлади», — деб жавоб берди Бузургмеҳр, — биринчи— биров сенга қовоғини солса ёки аччиқ сўзларни айтса ҳам, унга нисбатан ширин сўз айтасан, агар у ўз феъли билан хафа қилса, уни хурсанд қилишга уринасан. Иккинчи— ғазаб ўт олиб, осмонга ўрлаган пайтда ҳам, сукут қилиб, хомуш бўлиб турасан. Учинчи — бирор кимса кирдикори билан ғазабга лойиқ бўлса ҳам ғазабни ичга ютиб, ўзингни босасан!» Байт:

Ёмонликка яхшилик қилмоқ,
Оқилларнинг наздида хушроқ.
Бу маънига ҳар кимки етди,
Ёмонликка яхшилик этди.
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Эркак учун энг яхши либос—ширинсўзлик. Хотин учун энг аъло кийим — очиқ юзлилик!
Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Икки нарсани киши ўзидан қувиши қийин: бири— соя, иккинчиси — бадфеъллик!
ХУРРАМИЙ

Ўзингдан улуғлар сенга раҳм қилишин хоҳласанг, ўзингдан пастларга раҳм қил.

Меҳрибонлик фақат инсонни эмас, ҳатто ҳайвонни ҳам ром қилади.
«ОТАЛАР сўзи»

Луқмони ҳакимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қайси бирига даво тополмадинг?» деб сўрадилар. Луқмон: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик бўлди!» деб жавоб берди. Байт:

Ҳар ким яхши хислат топмоқчи бўлса,
Фақат яхши феълни изласа создир.
Бадфеъллик баданга ёпишган дардки,
Қанча даво қилма, барибир оздир!
ХУРРАМИЙ

ҲИКОЯТ. Бир ёш йигитдан: «Гўзаллар нима учун бунчалик қўпол ва гиначи бўладилар?» — деб сўрашди. У эса: «Кимки ҳусни ва ёшлигига мағрур бўлса, мулойимлик неъматидан маҳрум бўлади!» деб жавоб берди. Байт:

Эй ўзининг ҳусни-ла мағрур,
Мендек хаста ҳолини бир кўр.
Тикан ўсиб чиққач гулингдан,
Қадру қиймат кетар қўлингдан.
Бедил ҳолин билурсан шунда,
Аммо фойда бермас ўшанда!
ХУРРАМИЙ

ҲИКОЯТ. Бир барно йигит пайваста шароб ичар, гулдек юзини сўлдириб, ёру дўстларининг жонига жафо тиғини санчар эди. У сархушлик туфайли бечоралар дилини ёндирар, жигарсуҳталар танини азоб ўқи билан порлар эди. Натижада дўстлар уни даволашдан кўз юмдилар, гулгун жамолига боқишдан эса дил уздилар.

Эшитишимча, бир куни унинг ҳузурида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда у йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» деб қолибди. Шунда дўстлари: «Мажнунни ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» деб жавоб беришибди. Байт:

Дилраболар ошиқ аҳлин ўлдидур
тош дил билан.
Лек қайта тиргизур хушхулқу,
ширин тил билан!
Сен ғазаб бирла бирор филни
енголмассан бироқ,
Бўлса юмшоқлик уни ром айлагунг
бир қил билан!
ХУРРАМИЙ
Бўлмадим умримда бир дам
хотири хуррам била,
Гар иликдин келса бир дамни
кечурманг ғам била.
БОБУР

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Ўзбекистон Республикаси Байналмилал миллий-маданий маркази жамоаси Республика Турк миллий-маданий маркази раиси Умар Салмоновга падари бузруквори

ИБРОҲИМЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БУ ИБОДАТХОНАНИ ҚУРГАН КРЕЗ ЛИДИЯНИНГ ЭНГ СЎНГГИ ҲУКМДОРИ ЭДИ. ЛИДИЯ ЭСА ҚАДИМГИ КИЧИК ОСИЁ, ЗАМОНАВИЙ ТУРКИЯ МАЙДОНИДАГИ ДАВЛАТ ЭДИ. КРЕЗ ЎЗИНИНГ БОЙЛИГИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШНИ ХУШ КЎРАРДИ ВА МИЛОДДАН АВВАЛГИ 560 ЙИЛДА ЭФЕС ШАҲРИДА БУЮК ИБОДАТХОНА ҚУРДИ.

Дунёнинг етти мўъжизаси

ЭФЕСДАГИ АРТЕМИД ИБОДАТХОНАСИ

Эфес шаҳри эса ибодатхона қурилишидан 1000 йил аввал барпо этилган эди. Афсоналарга қараганда, бу шаҳарни барпо этганлар, амазонкалик жангчи аёллар тўдаси бўлган. У аёллар Эфес шаҳрининг асосчиларидир.

Крез ушбу ибодатхонани ой, яъни ҳайвонлар ва ёш қизлар маъбудаси учун қурмоқчи бўлди. Ой маъбудасини юнонлар Артемид деб атасалар, римликлар эса Диана деб номлашган. Ибодатхона мармар ва энг машҳур тошлардан иборат бўлиб, 120 та мармар устунлардан қурилган улкан устунлар 20 метргача етган.

Мармар устунлар битгач, уни устига мармар том ясалган. Ибодатхона бутунлай қуриб бўлингач эса ўша замоннинг машҳур усталари унга ўз чизгиларини беришган. Ибодатхонанинг нақ ўртасида Артемид ҳайкали бўлган. Бу ибодатхона энг йирик ҳисобланиб, кейинчалик Афинада қурилган Парфенон ибодатхонасига унинг ўлчамлари ўхшаб кетган. Артемид ибодатхонаси эгаллаган майдоннинг узунлиги 131 метрни, кенглиги 79 метрни ташкил этган.

Икки юз йил ўтганидан сўнг, яъни милоддан аввал 356 йилда ибодатхона ёниб кул бўлган. Бундай ёвуз ишни Геростат исмли инсон бажарган. У бу иш билан фақат машҳур шахс сифатида тарихда из қолдирмоқчи бўлган холос ва бунга эришган ҳам. Яна қизиқ ҳолатни тарих бизга ҳадя қилади. Ибодатхона ёқиб юборилган кун Искандар Зулқарнайннинг туғилган кунига тўғри келаркан. Йиллар ўтгач Искандар Эфес шаҳрини зиёрат қилади, шу ерда Артемид ибодатхонаси билан қизиқиб қолади ва уни қайтадан қуриб таъмирлашга фармон беради. Фармон бажарилгач, ибодатхона асл кўринишини тикламаган бўлсада, лекин ўзининг дастлабки қиёфасига яқин келади.

Артемид ибодатхонаси милоддан аввалги III асргача мавжуд бўлган, кейинчалик турли тўфонлар ва табиий офатлар орқали кўплаб зарар кўрган. Ибодатхонанинг қимматбаҳо буюмларини ўғрилар талаган бўлсалар, қолган қисми секинасталик билан денгиз тўфонлари туфайли бузилиб кетган. Ҳозирги кунда Эфес шаҳрида Артемид ибодатхонасидан фақатгина бир қанча мармар бўлаклари ва бир дона қайта тикланган мармар устун бор, холос.

Сардор МАҲКАМОВ тайёрлаган

Спорт

ПОЙТАХТЛИКЛАР — ИККИНЧИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА СПОРТНИНГ МОТОПОЙГА ТУРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорликларида уюштирилган ушбу мусобақада Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган 111 нафар спортчи ўз вилояти ва шаҳри шарафини ҳимоя қилишди. Шиддатли курашларга бой, қизиқарли кечган баҳслар якунида умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, пойтахт спортчиларига иккинчи ўрин насиб этди. Пойтахт вилояти мотопойгачилари эса учинчи ўрин билан кифояланишди. Чемпионат якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

ҚАРШИ ШАҲРИДА ТЕННИС БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ФЬЮЧЕРС ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА

Эркаклар ўртасида ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда дунёнинг ўнта мамлакатидан келган ракетка усталари ғолиб бўлиш ниятида кортга тушишди. 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот жамғармасининг каттароқ улушига эга бўлиш ҳамда рейтинг натижаларини яхшилаб олиш мақсадида ўзаро беллашган теннисчилар орасида ҳамюртимиз Денис Истоминга омад кулиб боқди. Муросасиз курашларга бой, шиддатли кечган баҳсларда барча рақибларини енга олган Денис финалда қозоғистонлик Алексей Кедрюкни 7/6, 6/4 ҳисобларида мағлубиятга учратиб Фьючерс турнири ғолиблигини қўлга киритди.


Жуфтлик баҳсларида ҳам Истомин-Иноятов жуфтлиги ажойиб натижаларни қўлга киритиб биринчи ўринга сазовор бўлди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бўш вақтингизда

КРОССВОРД



Ёйлар бўйича: 1.Борлиқ, атроф-муҳит. 2.Узум нави. 5.Лойдан ясаладиган бинокорлик ашёси. 4.Ютуқ, муваффақият. 5.Ноз-неъмат сероблиги. 6.Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоираси. 7.Уйда тайёрланган маҳсулот. 8.Бута ҳолда ўсувчи ҳўл мева. 9.Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 10.Майизбоп узум нави. 11.Одамни ўзига тортувчи мафтункор куч. 12.Тепаликдан оқиб тушувчи сув йўли. 13.Энергиянинг бирор турини бошқа турдаги энергияга айлантириб фойдали иш бажарувчи техника. 14.Марказий Осиёдаги тизма тоғ. 15.Тўда бўлиб яшовчи ҳашарот. 16.Иш ҳайвонига ўрнатиб юк ташиладиган мослама идиш. 17.Электр сиғимининг ўлчов бирлиги. 18.Об-ҳаво ўлчови бирлиги. 19.Россия Федерациясидаги вилоят. 20.Маккажўхорининг донсиз ўзаги. 21.Кузпишар хушхўр тоғ меваси. 22.Тропик ўсимликдан олинадиган, табобатда оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатиладиган модда. 23.Кўркам, ҳашаматли бино. 24.Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. 25.Шахмат тартибида гул тикиш усули. 26. Санъат асари, куй. 27. Ўзбекистон жанубидаги чўл ҳудуди. 28.Марказий Америкадаги каналга номдош давлат.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

ЖАСОРАТДАН ЯРАЛГАН ГЎЗАЛЛИК

ПОЙТАХТДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИДА ЁШ МУСАВВИР ОЛИМЖОН МАСОФАЕВНИНГ «ЖАСОРАТДАН ЯРАЛГАН ГЎЗАЛЛИК» ДЕБ НОМЛАНГАН ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Кўргазманинг бундай деб номланиши бежиз эмас. Унда намойиш этилаётган асарлар кучли ирода ва жасорат натижасида вужудга келган. Олимжон Масофаевни ҳаёт қаттиқ синовдан ўтказди. Хасталиги туфайли ўз тенгқурлари сингари мактабга қатнай олмади, гўзал табиат қўйнида қўй боқиш унга насиб этмади. Оёқлари юрмасада, қўлига қалам олиб ажойиб расмлар чиза бошлади. Олимжон Хоразм вилоятининг Ургенч шаҳрида туғилган. Ҳозир 19 ёшда.

— Бир жойдан жилмай бундай асарлар яратиш катта маҳоратни талаб қилади, — деди санъатшунос Ортиқали Қозоқов. — Ёш мусаввиримиз яратган асарларда ҳаётни севишга, уни қадрлашга, умуман унга бўлган муносабатларни мутлақо ўзгартириб юборадиган куч бор.

Кўргазманинг очилиш маросимида уни ташкил этишда кўмак берган Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси аъзолари, санъатшунослар, тасвирий санъат ихлосмандлари иштирок этишди.

Кўргазмадан қаламкашнинг етмишга яқин турли жанрдаги асарлари ўрин олган.

«Туркистон-пресс»

Мунажжим башорати

ҲИССИЁТЛАР КУЧАЯДИГАН КУН

20 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

БУГУН МУНАЖЖИМ ЛИДИЯ НЕВЕДОМСКАЯ ТАВСИЯЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТАМИЗ. УНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, БУГУН ОЙ САЙЁРАСИ СОАТ 04.16 ДАН ТО СОАТ 23.00 ГА ҚАДАР ЙЎНАЛИШСИЗ ҲОЛАТДА БЎЛАРКАН. БУНДАЙ ҲОЛАТ ИШЛАРНИНГ БОРИШИГА ҲАЛАҚИТ БЕРИБ, ЁЛҒИЗЛИК ВА ОДАМЛАРДАН ЧЕТДА ҚОЛИБ КЕТГАНДЕК ҲИССИЁТЛАРНИ КУЧАЙТИРАДИ.

Шу куни бирон нарсага эътиборни жамлаш қийин бўлади, атрофдагилар билан мулоқотлар мураккаблашади, жанжалли вазиятлар сони кўпаяди. Шунинг учун ҳам кундалик қилиб юрган ишларингиздан ташқари бирон янгисига қўл урманг, майнинг бошларигача қолдириш мумкин бўлган ишларни ҳам орқага сураверинг.

Зуҳро юлдузи ва Нептуннинг ўзаро кескин муносабат ҳолатлари молиявий алданишлар, севги-муҳаббатдаги умидсизлик ва кераксиз фидойиликлар эҳтимоллигига эътиборни жалб этади. Атрофингиздагиларнинг кўнгил кечинмаларига ҳамдардлик билан қаранг, уларнинг кўнгилларини кўтаринг, изтиробларини енгишда уларга кўмаклашинг.

Уйдан чиқаётиб, бугун осмонда сузиб ўтаётган булутлар шаклига эътибор қилинг: сиз учун бу катта рамзий аҳамиятга эга бўлади. Уйдан чиққанингизда шамол орқангиздан урилаётганини сезсангиз, кун сиз учун омадли бўлади. Мабодо, шамол сизга қараб эсаётган бўлса – бунинг аксини кутинг. Турли хил ҳидлар ҳам бугун сиз нималарга кўпроқ эътибор қилишингиз кераклигини билдирадиган индикатор вазифасини ўтайди.

Бу кеча кўрган тушларингиз башоратли бўлиб, тўғридан-тўғри талқин этилади ва тез орада ўнгидан келади. Бир йўла бир неча тушларни кўриш ва эслаб қолиш яхшиликка бўлади.

Кўзлар ва асаб тизими бугун заифлашган ҳолатда бўлади.

Кийимлардан кўзга ташланмайдиган, ранги ўчган ёки аралашиб кетган ҳамда яшилга яқин ранглиларини кийиш тавсия этилади. Жуда ёрқин ранглар, шу жумладан қизил товланувчи ва зарғалдоқранг либосларни бошқа кунларга асраб қўйинг.

Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидалари

ТАБИИЙ ОФАТЛАР АСОРАТЛАРИНИ ҚАМАЙТИРИШ МУМКИН

ҚУЙИДА БИЗ АҲОЛИНИ ТУРЛИ ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ, ҲАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ ВА ХОТИРЖАМ ЯШАШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗГА ВАҚТ ТАНЛАМАЙДИГАН ТАБИИЙ ОФАТ — ЗИЛЗИЛА ҲАҚИДА ТУШУНЧА БЕРИШ НИЯТИДАМИЗ. МАМЛАКАТИМИЗ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТДАН ШУНДАЙ БИР МИНТАҚАДА ЖОЙЛАШГАНКИ, ТАБИАТНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ИНЖИҚЛИКЛАРИ БУ ЎЛКАНИ ЧЕТЛАБ ЎТМАГАН. ТАБИИЙ ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДА АҲОЛИГА ТЎЛА МАЪЛУМОТ БЕРИШ, УЛАР ЮЗ БЕРИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИНЛИГИ, СОДИР БЎЛГАНДА ҚИЛИНИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ КЎРСАТИШ НИҲОЯТДА МУҲИМДИР.

Зилзила табиатда содир бўладиган энг хавфли ҳодисаларнинг биридир. ЮНЕСКО маълумотига кўра зилзила юзага келадиган иқтисодий зарар ва инсонлар ҳалокати бўйича табиий офатларнинг ичида биринчи ўринни эгаллайди.

Шу ўринда: «Инсон табиатнинг бу кучига нимани қарши қўя олади, ундан аҳолини муҳофаза қилиш мумкинми, агар мумкин бўлса қандай қилиб?» — деган саволнинг туғилиши табиий албатта.

Маълумки, табиий шароит, жинсларнинг физик-кимёвий хусусияти, биноларнинг лойиҳа чизмалари чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнггина турар жой масканлари қурилишига рухсат берилади. Афсуски, умумий яшаш қоидалари бинолар аҳолига топширилгандан сўнг қўпол равишда бузилади. Ҳеч кимга сир эмаски, уйга эга бўлишимиз биланоқ, хоналарни ўзгартиришга берилиб кетамиз, қўшимча айвонлар соламиз, гўё «ортиқча» туюлган деворлар, бурчаклар олиб ташланади. Иккита хона биттага айлантирилади. Бундай ҳолатга қатъиян чек қўйиш лозим. Акс ҳолда бино заиф бўлиб қолишига, унинг турли офатларга, ернинг деформацияланишига бардошлилиги камайиб кетишига сабабчи бўламиз. Оқибати нималарга олиб келиши ўзингизга аён.

«Зилзила эмас, бино ва уй жиҳозлари фожиага сабабчи бўлади», — дейди муҳандис-сейсмологлар.

Уйдаги газ, сув, электр тармоқларининг хавфсизлантирадиган жойларини билиш, уй тиббий қутиси, биринчи ёрдам учун зарур бўлган дори-дармонлар, ноҳуш вазият юзага келганда биринчи хизмат кўрсатиш ташкилотларининг телефон рақамлари, уй жиҳозларидан — китоб жавонлари, осма асбобларнинг маҳкамлигини назорат қилиш, мактаб ёшидаги болаларга зилзила вақтида қандай ҳаракат қилишлари тартибларини уқтириш, иш жойларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ва бошқа кўрсатмалардан ҳар бир киши бохабар бўлиши шарт.

Зилзила содир бўлганда тебраниш бир неча сония, кучли зилзилада эса бир неча дақиқа давом этиши мумкин. Бундай вақтда кутиб туришдан ўзга чорангиз йўқ. Сиз осойишта ва ақл-заковат билан иш кўрсангиз, шикастланмаслик даражангизни анча юқори кўтарган бўласиз. Айниқса, бу осойишталик орқали атрофингиздагиларга ижобий таъсир кўрсатасиз ва улар ҳам сиз каби саросимага берилмасликларига замин тайёрлайсиз. Тебранишни сезган вақтингизда секин-аста хавфсиз жойга ҳаракат қилишингиз лозим. Асосий хавф бинодаги осма анжомлардир. Аввало, тинчланинг, бақирманг ва атрофдагиларни қўйманг. Бинода бўлсангиз хавфсиз жойлардан эшик олдилари, девор бурчаклари, сейсмик белбоғ остиларидан бирортасини эгалланг, бошқаларни ҳам шундай қилишга чақиринг. Дераза ва чойқалувчи оғир буюмлардан узоқроқда туринг.

Ҳеч вақт юқори қаватдаги бинодан чиқиб қочишни ўйламанг. Аксинча тебраниш ўтиб кетгунча бино ичида паноҳ қидиринг. Керак бўлганда тебраниш тугагандан сўнг бинони тарк этинг. Кўп қаватли уйда турсангиз, лифтдан фойдаланманг. Зинапоядан фойдаланишда қўпол ҳаракат қилманг. Бошқаларни ҳам тинчлантиринг. Жароҳатланганлар бўлса биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, зарур бўлганда қутқарувчилар ва тиббиёт ходимларига мурожаат қилинг.

Сейсмик бардоши кам бўлган, ғиштли ва хавфли биноларда бўлсангиз, албатта ташқарига зудлик билан чиқинг. Бунда электр тармоқлари, буюмлар ҳаракатидан огоҳ бўлинг. Очиқ жойда бўлсангиз биноларга, электр тармоқларига яқин турманг. Ҳаракатланаётган транспортда бўлсангиз очиқ жойда тўхтатинг, тебраниш ўтиб кетгунча кутинг.

Бино ва иншоотлар бузилиши, шикастланиши натижасида инсонлар ҳам жиддий зарар кўради. Энг муҳими, осойишталикни сақлаган ҳолда аввало шикастланганларга ёрдам бериш лозим. Сўнгра ёнғин ва бошқа нохушлик хусусида тегишли жойларга хабар бериш керак.

Сув, газ, электр тармоқларида шикастланиш бор-йўқлигини аниқланг. Зинҳор шам ва гугуртдан фойдаланманг. Электр тармоғини асосий таянч нуқтасидан узинг. Электр тармоқларига яқин юрманг, уларни ушлаб ҳам текширманг.

Юқорида келтирилган қоида ва талабларга эътибор бериш зилзила хавфини камайтиришда фойдаси тегади деб умид қиламиз.

Толиб ОМОНОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Аҳоли ва ҳудудларни Муҳофаза қилиш бўйича бошлиғи, майор

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6